



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 16 февраль, № 35 (8658)

Жума

Сайтимидаги ўқиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХАЛҚЧИЛ СИЁСАТНИНГ АНДИЖОНДАГИ ЁРҚИН НАТИЖАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар иқтисодиёти, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 15 февраль куни Андижон вилоятига ташриф буюрди.



Ташриф дастурида кўзда тутилган манзиллар ва режалар кўп. Биринчиси, "Асака текстиль" кластерининг тўқимачилик корхонаси бўлди.

Бу улкан мажмуа иқтисодий контрастнинг ёрқин мисоли. 2016 йилгача бу ер ташландиқ жой эди. Давлатимиз раҳбари тadbirkorларга берган руҳ ва мадад натижасида бу ерда босқичма-босқич янги бинолар қурилиб, 2022 йил августда ишга туширилди. Бугунги кунда 83 миллион долларлик лойиҳа эвазига хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган тўлиқ "занжир" ташкил этилган.

Хусусан, кластер тизимида Андижон вилоятининг Улғунор ва Жалакудук туманлари ҳамда Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида 11 минг 200 гектар майдонда пахта етиштирилади. Шундан 2 700 гектарда томчилатиб сугориш йўлга қўйилган.

Асакадаги корхонага Швейцария, Италия, Туркия, Германия, Япониядан ускуналар келтириб ўрнатилган. У йилига 11 минг тонна калава ип, 8 минг тонна момик ва трикотаж мато, 12 минг тонна ип ва матони бўяш, 6 минг тонна тайёр трикотаж ва сочик ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда 3 минг 200 киши ишламоқда.

Корхонада хорижий ҳамкорлар талабига асосан сифат назорати, касб ўргатиш маркази ташкил этилган. Бўёқ цехидан чиққан сувни тозалаш иншооти ҳам ишга туширилган.

Умуман, кластер томонидан 102 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилиб, йиллик

50 миллион долларлик экспорт қуввати яратилган. Бундан етти йил олдинги ҳолат билан солиштирганда даромад, иқтисодий манфаатдорликдаги фарқ ер билан осмонча.

Келгуси йилларда кластер томонидан Улғунор туманида 70 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш заводи, тикув-трикотаж ва пайпоқ ишлаб чиқариш корхонаси ташкил қилиниши режалаштирилган. Уларда яна 1 минг 600 дан зиёд иш ўринлари очилади.

Шу ерда Андижон вилояти мисолида пахта-тўқимачилик саноатини ривожлантириш концепцияси бўйича ахборот берилди. Қайд этилганидек, ишлаб чиқариш таннархи 15 фоизга қисқартирилди, 65 фоиз қўшилган қиймат яратилади. Дизайнер маҳсулотларга мажбурий ташкил этилади. Нуфузли брендлар ва ритейлёрлар жалб этилиб, тармоқ корхоналари экспорти 800 миллион долларга етказилади.

Давлатимиз раҳбари кластер билан фермерлар ўртасидаги муносабатларда манфаатдорликни ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

— Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини ривожлантириш. Соҳанинг куйи бўғини бўлган деҳқон ва фермерлар ҳам рақобатбардош бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент корхонада ишлаётган тикувчи аёллар билан суҳбатлашди. Уларнинг айримлари ўз туманида юқори маош-

ли иш пайдо бўлгани учун меҳнат муҳожирлигиндан қайтиб келган.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Андижон туманидаги "Андижон саноат хаби"даги корхоналар фаолияти билан танишди.

105 гектар майдонни эгаллаган ушбу саноат ҳудудида машинасозлик, электротехника, қурилиш материаллари каби тармоқлардаги 12 та лойиҳа жойлашган. Улардан бири — "Авто Спринг Компонентс" масъулияти чекланган жамияти. Умумий қиймати қарийб 60 миллион АҚШ доллари бўлган бу корхона йилга 18 минг тонна пўлат деталлар ишлаб чиқариш қувватига эга.

Маълумки, қуйма деталлар саноатининг асоси ҳисобланади. Уларни ишлаб чиқариш юксак малака ва технологиялар талаб этади. Хусусан, илгари мамлакатимизнинг автомобилсозлик ва машинасозлик тармоқларида бундай қисмлар импорти катта ўрин тутарди. Уларнинг маҳаллийлаштирилиши энди таннархни камайтириб, рақобатбардошликни оширади.

Корхонада Хитой ва Германия давлатлари технологиялари асосида пўлат қисмлар тайёрлаш лойиҳаси бошланган. Металл қуёв қисми АҚШ, механик ишлов бериш қисми Хитой компаниялари томонидан лойиҳалаштирилган. Ўтган йили 4 турдаги қишлоқ хўжалиги техникаси учун эътиёт қисмлар ишлаб чиқарилган.

Бу лойиҳанинг биринчи босқичи бўлиб, 140 та иш ўрни яратилган. Шу йилнинг май ойида автомобиллар учун қуйма

қисмлар тайёрланадиган иккинчи босқич ишга туширилади.

Бу ноёб корхона бир вақтнинг ўзида 12 тонна металл эритиш имкониятига эга. Яна бир самарали томони, хомашёлар Асака туманидаги автомобиль заводи-нинг темир чиқиндиларидан олинди, қайта ишланади.

Мажмуа тўлиқ қувватга чиққанда, йилига 27 миллион долларлик маҳсулотлар маҳаллийлаштирилади. Президентимизга маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳақида ахборот берилди. Бунда таннархни камайтириш ва "яшиш" технологияларни қўллашга катта эътибор қаратилади.

Жорий йилда умумий қиймати 156 миллион долларлик 10 та лойиҳа ишга туширилиб, 2 минг кишининг бандлиги таъминланади. 2025 йилда умумий қиймати 14 миллион долларлик 2 та лойиҳани амалга ошириб, яна 400 та иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари "Андижон саноат хаби"да вилоятда ишлаб чиқарилаётган мебеллар кўргазмаси билан танишди.

Андижон вилоятида 377 та мебелсозлик корхонаси фаолият юритмоқда. Сўнгги 5 йил давомида мазкур йўналишда 35 миллион долларлик 84 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 3 мингдан зиёд иш ўринлари яратилган. Мебель ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилдагига нисбатан 15 баробарга ортган.

Мабелсозлар учун солиқ, божона тўловлари бўйича қатор имтиёзлар жорий этилгани, экспортдаги харажатлар ҳамда

хориждан жалб этилган мутахассислар иш ҳақининг қисман қоплаб берилиши соҳа вакилларига катта рағбат бўлмоқда.

Бугунги кунда йилига 300 миллион сўмлик маҳсулотлар тайёрланиб, минтақа мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Президентимиз корхоналар таъсисчилари билан суҳбатлашди. — Ўтган йиллардаги энг катта ютуқлардан бири тadbirkorларимизда онг ўзгарди, ишонч ортди. Бугун улар рақобатбардош бўлиб, дунёга чиқяпти. Булар ҳам фаолиятини оддий ишдан, маҳалладан бошлаган. Бошқалар ҳам шундай қилса бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда аҳоли тadbirkorлигини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш чора-таadbirkorлири муҳокама қилинди.

Андижон вилоятида 41 та маҳалла мебелсозликка ихтисослашган. Масалан, Олтинкўл туманидаги Ижтимоат маҳалласида 490 та хонадонда мебель тайёрлаш кооперация усулида йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, яқна тартибда рўйхатдан ўтган ва ўзини ўзи банд қилган хунармандлар ҳам кўп. Минглаб ёшлар "Устоз — шогирд" анъанаси асосида хунар ўрганимоқда.

Шу боис мебелчиликни янада ривожлантириш бўйича иш олиб борилмоқда. Андижон ва Олтинкўл туманларида бунга ихтисослаштирилган 2 та саноат зонаси ташкил этилмоқда.

Ушбу тажриба асосида вилоятдаги 909 та маҳалланинг имкониятлари ўрганилиб, сердаромад йўналишларга ихтисослаштириш чоралари муҳокама қилинди. Бунинг учун давлат томонидан инфратузилма яратилиб, моддий-ташкилий жиҳатдан кўмак берилди. Мақсад — Андижон вилоятини ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантиришга интилиш.

Президент Андижон вилоятида амалга оширилиши режалаштирилган йирик лойиҳалар тақдирини билан танишди.

Қайд этилганидек, хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда жами 1,7 миллиард долларлик 26 та лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Улар энергетика, электротехника, машинасозлик, тўқимачилик, қурилиш материаллари, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, таълим ва инфратузилма каби муҳим соҳаларни ўз ичига олади.

Масалан, минигидроэлектростанциялар, уй-жой ва кўнгилочар масканлар қуриш, электротўрлар, керамогранит ва бетон панеллар, дори воситалари ишлаб чиқариш, гипс ва резавор мевалар етиштириш каби лойиҳалар қўллаб-қувватлаш, иқтисодий самарадорлиги билан халқимизга катта манфаат келтиради.

Давлатимиз раҳбари хитойлик инвесторлар билан суҳбатлашди. Улар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги стратегик шериклик юксак даражага чиққани, мамлакатимиздаги улкан имко-

ниятлар ишбилармонларга ишонч бераётганини таъкидлашди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Марҳамат туманидаги шахмат мактаби ва кутубхонада бўлди.

Юртимиз олдиндан салоҳиятли шахмат мактабига эга. Бугун ҳам болалар ўртасида "ақл гимнастикаси"га қизиқиш катта. Уларнинг бу иштиёқини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида Марҳамат туманида ҳам мажмуа бунёд этилди. Эркин Воҳидов номидаги ушбу мактабда ўқувчилар дарсдан бўш вақтларида ақл машқидан сабоқ олади. Уларнинг маҳоратини ошириш учун тажрибали мураббийлар жалб қилинган. Ўқув-машғулот хоналари ва мусобақа зали мавжуд. Компьютерлаштирилган илгор дастурлар ёшларга манзур бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ерда сабоқ олаётган ўғил-қизларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаб, эзгу тилаклар билдирди. Бу муассасани бошқа шахмат мактаблари билан боғлаб, тажриба алмашиб бориш муҳимлигини таъкидлади.

Ушбу мактабга туташ Ёшлар кутубхонаси ҳам қурилган. У кенг ва шинам, бир вақтда 150 дан ортик китобхонлар мурола қилиши мумкин. Кутубхона 30 минг нусхадан зиёд адабиётларга эга, қатор ахборот марказлари тармоғига уланган. Шулар боис ёшларнинг севимли масканига, интеллектуал ўйинлар, илғор ишчилик, китоб тақдимотлари ўтказиладиган қайноқ даргоҳга айланган.

Президент шу ерда андижонлик ёшлар билан мулоқот қилди. — Биз иқтисодиётимизни ривожлантириб, аҳоли жам бошига даромадларини ошириш, иш жойларини кўпайтиришга ҳаракат қилияпмиз. Андижонда ҳам катта режаларимиз бор. Бунда аввало сизларга таянамиз. Хар бир билимли ёш — Ватан ҳимоячиси, — деди Шавкат Мирзиёев.

Таълим тизимидаги янгиликлар, ёш авлодга яратилаётган шароитлар, илмий-ижтимоий лойиҳалар ҳақида сўз борди. Президент ёшлар билан янги ташаббуслар юзасидан фикрлашди. Шунингдек, уларнинг тақдирини қўллаб-қувватлаб, мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Андижон шаҳридаги 2-иқтисослаштирилган мактаб-интернатини ҳам кўздан кечирди.

Мазкур муассаса ўтган йили 50 миллиард сўм Давлат бюджетини маблағлари ҳисобидан қурилган. У 504 ўринга мўлжалланган бўлиб, 5 — 11-синфларда аниқ ва табиий фанларни чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган. Мактабга ўқувчилар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан имтиҳон асосида олинади. Мактаб-интернатда 60 дан ортик ўқув ва компьютер хоналари, чет тили синфлари, лаборатория мавжуд. Шунингдек, 222 ўринли ётоқхона, ошхона, спорт зали замонавий жиҳозланган. Президентимиз шу ерда

ўқитувчилар билан суҳбатлашди. Мактабнинг юқори синфлари билан олийгоҳ дастурлари ўртасида узвийликни таъминлаш, бир-бирини тақдорлайдиган дарсларга ёшларнинг вақтини кетказмасдан, кўпроқ амалиётга йўналтириш бўйича кўрсатмалар берди. Умуман, мактабларга таълим, тарбия ва маънавият бўйича янги муҳит олиб кириш кераклиги таъкидланди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Андижон шаҳрида бунёд этилаётган Универсал спорт мажмуасини бориб кўрди.

Хозирда тўрт минг томошабинга мўлжалланган ёпиқ зал қурилган. Унда бир неча спорт тури бўйича мусобақалар ўтказиш мумкин бўлади. Жумладан, жорий йил кузда футбол бўйича жохон чемпионатининг айрим ўйинлари шу ерда ўтказилади.

Йирик мажмуада бассейн, кафе, ресторон ҳам бўлади. Машҳур спортчиларнинг маҳорат мактаблари учун ҳам шароит яратилади. Машғулотлар спорт федерациялари ва олий таълим масканлари билан боғланган ҳолда олиб борилади.

Мажмуани самарали эксплуатация қилиш, замонавий бошқарувни жорий этиш лозимлиги айтилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон шаҳридаги марказий қозонхона бориб кўрди.

У яқинда имтиёзли хорижий кредит эвазига реконструкция қилиниб, Хитойда ишлаб чиқарилган 3 та энергия тежамкор қозон ўрнатилган. 28 километр иссиқлик қувурлари ётқизиблиб, 373 дон индивидуал иссиқлик пункти ташкил этилган. Шунингдек, 2 минг киловатт қувватли трансформатор ўрнатилиб, юқори кучли электр тармоғи тортилган.

Натижада шаҳардаги 271 та кўп қаватли уй ва 30 та ижтимоий объект марказлашган иссиқ сув ва иссиқлик таъминотига эга бўлади. Шу билан бирга, бир йилда 16 миллион метр куб табиий газ, 2 миллион киловаттдан зиёд электр энергияси тежаб қилинади.

Шу ерда 2024 — 2026 йилларга мўлжалланган навбатдаги лойиҳалар ҳақида ахборот берилди. Унга кўра Андижон шаҳридаги яна 5 та қозонхона реконструкция қилиш, 33 километр иссиқлик тармоқларини қуриш ва 114 та кўп қаватли уйнинг ички иситиш тизимларини янгилаш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳаларни жадаллаштириб, аҳолини барқарор иссиқлик билан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АНВАЛОВ,
Фохриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ўза мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Дил сўзи

«ҚАДР АЁЛДАН БОШЛАНСА, ҚАДРИМИЗ ЯНАДА БАЛАНД БЎЛАДИ!»

Президентимизнинг ушбу сўзлари руҳимни кўтариб юборди

Давлатимиз раҳбарининг Андижон вилоятига ташрифи чоғида корхонамизда бўлиб, жамоамиз билан дилдан суҳбатлашгани ҳаётимизда тарихий кунлардан бири сифатида ёдимда қолди.

Тўғриси, Президентимиз шахдам қадамлар билан биз тикувчилик қилаётган павильонга кириб келганида, бир зум ҳаяжонга тушдик. Бу инсоннинг салобатидан бироз тарадуддланиб қолдик. Бироқ Шавкат Миромонович биз билан самимий

суҳбатлашди, ҳол-аҳвол сўради, маҳсулотларимизни, ишчиларга яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Суҳбат жараёнида Президентимизнинг нақадар очикқўнгил, инсонларга ғамхўр эканини яна бир бор англадик. Давлатимиз раҳбари аёл-ни эъозлаш, улар учун барча қулай шароитни яратиб бериш оиладаги тўқислик, хотиржамлик, жамиятдаги ҳамжиҳатликда муҳим ўрин тутганини таъкидлади. ➡

Таҳлил

ЮТУҚЛАР БОР, КАМЧИЛИКЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Кейинги йилларда мамлакатимизда тadbirkorликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, қаердаки тadbirkorлик кенг ривож топса, ўша жойда тараққиёт бўлади. Инфратузилма яхшиланади, аҳолининг турмуш даражаси ошади, энг муҳими, камбағаллик сезиларли даражада қисқаради.

Айтиш жоизки, бу жараёнларда Олий Мажлис Сенати аъзоларининг ҳам катта ҳиссаси бор. Гап шундаки, парламент юқори палатаси томонидан жойларда ўрганишлар ўтказиш йўлга қўйилган бўлиб, бу иш самарадорлиги ошишида муҳим ўрин тутмоқда.

Хусусан, Сенат Кенгашининг 2023 йил 12 октябрдаги қарори билан тузилган ишчи гуруҳи томонидан Тошкент вилоятида тadbirkorликни

ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолати ўрганиб чиқилди. Эътиборлиси, ўрганиш натижалари яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг эллагинчи ялпи мажлисида муҳокамадан ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан вазифалар белгилаб олинди, тегишли қарор қабул қилинди. ➡

«Ҳукумат соати»

Геология-қидирув: ИМКОНИЯТЛАРДАН ҚАЙ ДАРАЖАДА ФЙДАЛАНИЛМОҚДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ташаббуси билан навбатдаги «Ҳукумат соати» бўлиб ўтди. Унда «Геология-қидирув ишлари самарадорлигини ошириш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

Мазкур масала юзасидан депутатларнинг саволларига Тоғ-кон саноати ва геология вазир Б. Исломов жавоб берди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда юртимизда тоғ-кон саноати ва геология соҳасида ягона давлат сибсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, республикамизнинг минерал хомашё базасини барқарор ривожлан-

тириш, инвестицияларни жалб қилиш ва фойдали қазилмаларнинг янги конларини аниқлаш борасида изчил ишловлар рўйга чиқарилди. Геология ишлари соҳасидаги лойиҳаларга хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қонунчилик базаси такомиллаштирилди ва бошқа зарур шароитлар яратилди. ➡

ЮТУҚЛАР БОР, КАМЧИЛИКЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Маълум бўлишича, вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш борасида бир қатор ижобий натижалар қўлга киритилган. Натيجада эса ялпи ҳудудий махсулот ҳажми 5 фоизга ёки 107,9 трлн. сўмга ошган ва аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми 35,7 млн. сўмни ва ўсиш суръати 3,1 фоизни ташкил этган.

Инвестиция дастурлари доирасида 2023 йилнинг 1 декабрига қадар 958 млн. долларлик 763 та лойиха ишга туширилиб, 23 296 та иш ўрни очилган. Масалан, "Ёшлик" қони ўзлаштирилиши ҳисобига асосий капиталга инвестициялар ҳажми 12,8 фоиз ўсиб, 44,4 трлн. сўмни ташкил этган. Айни чоғда ўтган йилнинг 1 декабрь ҳолатига 901,3 млн. долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилганлиги ҳам эътиборга молик.

Яна бир мисол: оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 30 063 та аҳоли ва тадбиркорлик субъектига жами 743,5 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган. Тошкент вилоятида бундай ютуқ ва натижалар талайгина. Аммо зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор камчилик ва муаммолар ҳам борки, улардан кўз юмиб бўлмайд.

Биринчи бўлиб вилоятнинг айрим туман ва шаҳарларида фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектлари сони ошганини келтириш зарур. Жумладан, Паркент туманида 874 та, Урта Чирчиқ туманида 143 та, Бекобод шаҳрида 461 та, Пискент туманида 542 та ва Қуйи Чирчиқ туманида 483 та тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини тўхтатгани ачинарли, албатта.

Урганиш жараёнида фаолият кўрсатмаётган юридик шахслардан 15 276 тасининг ерлари олиб қўйилганлиги, 1 646 таси эса иқтисодий қийинчиликка дош беролмагани аниқланди. Бу эса жойлардаги мутасаддилар учун ўзига хос "огоҳлик кўнгируоги" бўлиши лозим.

Бундай камчиликлар бўш турган бино ва иншоотларга тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш йўналишида ҳам кузатилади. Бўстонлиқ туманида 7 та, Ангрен ва Оҳангарон шаҳарлари ҳамда Оҳангарон туманида 4 тадан, Бўка, Қуйи Чирчиқ, Пискент, Чиноз, Янгийўл туманлари ва Олмалиқ шаҳрида 3 тадан, Бекобод, Оққўрғон, Паркент, Тошкент туманлари ва Бекобод шаҳрида 2 тадан объект аллақачон муддати ўтган бўлса-да, сотилмасдан келаётгани аниқланди.

Бундан ташқари, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Кадастр агентлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан мониторинг юритилмаганлиги оқибатида вилоятда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун онлайн-аукцион савдоларига чиқарилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган 218 та бўш турган 88,1 гектар ер участкасида 428 та ҳолатда ваколатли ташкилотлар томонидан келишиш ёки ҳулоса бериш муддатлари бузилган.

Давлат дастурлари доирасида янги иш ўринларини яратиш истигадиги тадбиркорлар билан ҳамкорлик шартномаларини тузиш борасида ҳам муаммолар йўқ эмас.

Тадбиркорларни манфаатли ҳамкорлик асосида қамбағалликка қарши курашиш жараёнларига жалб қилишга қаратилган "20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис" дастурига биноан ҳоким ёрдамчилари ёки Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг тадбиркор

лоийҳасини жойига чиққан ҳолда 5 кун ичида ўрганиб, натижаси бўйича таклиф ва фотосуратларни "Ҳамкор тадбиркор" ахборот тизимига киритиши белгиланган бўлса-да, 13 та тадбиркор аризаси вақтида қўриб чиқилмаган.

Вилоятда тадбиркорлик субъектлари ўртасида эркин рақобат муҳитини таъминлаш борасидаги ишларда ҳам айрим камчиликлар кузатилади.

Вилоятдаги назорат органлари томонидан ўтказилган текширишларда 58 та қонун бузилиши, шундан 21 тасида қонуннинг текшириш ва 37 тасида текшириш ўтказиш тартибини бузиш ҳолатларига йўл қўйилган.

Шу сингари камчиликлар "Тадбиркор виртуал офиси" ахборот портали орқали келиб тушган мурожаатларни қўриб чиқиш борасида кузатилагани ҳам ҳеч қимми бефарқ қолдирмайди.

Ҳўш, келтириб ўтилган нуқсонларни бартараф этиш учун нималарга эътибор қаратиш лозим?

Сенатнинг сал илгарироқ айтиб ўтилган ялпи мажлисида бу борадаги таклифларимизни келтириб ўтдик.

Улар қуйидагилардан иборат:

тадбиркорликни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш йўналишида мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиб, Сенат қарори билан тасдиқлаш;

фаолияти тўхтатилган тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдамлар кўрсатиш ва тугатилишининг олдини олиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаш;

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш;

ҳудудларнинг ҳусусиятлари, "ўсиш нуқталари"ни ва салоҳиятини инобатга олиб, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

тадбиркорларга кредит расмийлаштиришда мулкларни баҳолаш ва уни тижорат банклари томонидан гаров таъминоти сифатида қабул қилиш масаласини ўраниш.

Шу ва бошқа таклифлар Сенат қароридан ўз ифодасини топан бўлиб, унинг ижросини таъминлаш бўлиб, сенаторлардан ҳам катта маъсулият талаб қилишини яхши ҳис этамиз.

Эркин ГАДОВЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси.

Геология-қидирув:

ИМКОНИЯТЛАРДАН ҚАЙ ДАРАЖАДА ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА?

Маъмурий ислохотлар доирасида Тоғкон саноати ва геология вазирлиги ташкил этилди ҳамда унинг устувор фаолияти йўналишлари белгилаб берилди. Шунингдек, 2023 — 2025 йилларда минерал хомашё базасини ривожлантириш дастури тасдиқланди. Натيجада геология-қидирув ишлари олдинги даврдан нисбатан уч баробар ошган. 3D сейсморастведка, аэрогеофизика, космогеология, рақамли геология каби илгор усуллари жорий этиш бошланган. Геология-қидирув ишлари 2-3 километрдан 4-5 километр чуқурликкача туширилганлиги натижасида янги газ захиралари аниқланган, қўшимча 4,4 млрд. куб метр газ қазиб олинган.

Амалга оширилган геология-қидирув ишлари доирасида республикамизнинг ҳудуди регионал геологик тадқиқотлар билан тўлиқ қамраб олинган. 2023 йилда 160 минг кв. км. майдоннинг рақамли геологик хариталари тузилган, 12 минг кв. км. майдонда космогеологик ва геокимёвий тадқиқотлар ўтказилган. "Хукумат соати"да депутатлар

ер ости сувларидан самарали фойдаланиш ҳамда кудуқ бургилаш тизимини тақомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган ишларга оид бир қатор саволларни ўртага ташлади.

Вазир маълум қилишча, ҳозирда республикамизда 97 та ер ости сув қони мавжуд бўлиб, уларнинг ресурслари 64 млн. куб м/сутка, яъни умумий сув ресурсларининг 25 фоизини ташкил этади. Бугунги кунда ер ости сувлари ҳақ хўжалигининг барча тармоғида кенг фойдаланилаётган бўлиб, суткасига 18,6 млн. метр куб миқдорда сув олинмоқда ва бу, асосан, чучук сувларга тўғри келмоқда. Ичимлик сувининг 67 фоизи ер ости сувлари ҳисобидан амалга оширилади.

Сўнги етти йилда 878 минг куб м/сутка миқдорда ер ости сув захиралари тасдиқланди, 1 млн. аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланган ҳамда 155 минг гектар қишлоқ хўжалиги ерлари фойдаланишига киритилган. Ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадида ер

ости сувлари сатҳи пасайиб кетаётган 21 та ҳудудда кудуқ бургилаш ва улардан фойдаланиш бўйича мораторий жорий қилинганлиги қайд этилди.

Депутат Аъзамжон Тўлабоев мамлакатимизда мавжуд 47 мингта эксплуатациядаги кудуқнинг 42 мингтасида сув ҳисоблаш воситалари ўрнатилмагани сабаблари билан қизиқиб, бу борада амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида сўради.

Вазирлик масъул вакили таъкидлашча, ушбу фойдаланишда кудуқларнинг 11 мингтаси "Ўзсувтаъминот" АЖга, 8,2 мингтаси Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг қошидаги наос станцияларига, 6 мингдан ортиги шахсий фермер хўжалиқларига тегишли бўлиб, қолганлари ҳокимликлар, йирик саноат корхоналари ва хусусий тадбиркорлар тасарруфиди. Ҳозирда тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ер ости кудуқларига сув ҳисоблаш воситаларини ўрнатиш ва пломблаш ишларини жаддаллаштиришга қаратилган битимлиқ лойиҳаси ишлаб чиқилган. Қолаверса,



2024 йил 1 январдан бошлаб сув ҳисоблагичларни ўрнатмаган тадбиркорларга ичимлик суви таъминотидан фойдаланиш талаблари ўзгарганлиги бу борадаги камчиликлар бартараф этилишига хизмат қилиши қайд этилди.

Халқ вакиллари, шунингдек, кон-металлургия саноатида экологик талабларни ва атроф-муҳит муҳофазаси меъёrlарини ўзи ичига олувчи "экологик менежмент" тизимини жорий этиш, қазиб олинаётган кўмирлар сифатини ошириш, дарё ўзанлари ва қирғоқбойи ҳудудларида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларини на-

зорат қилишда вазирлик томонидан бажарилаётган ишлар ҳақидаги саволларига ҳам жавоб олдилар.

Шу билан бирга, депутатлар томонидан соҳада ҳали фойдаланилмаган имкониятлар етарли эканлиги, қонлар ва уларни ўзлаштириш қўламини кенгайтириш имконлиги қайд этилди. Шу боис соҳага хорижий технологиялар ва инвестицияларни самарали жалб қилишни давом эттириш, бу орқали геологик қидирувлар ва қазиб олиш натижалорлигини ошириш юзасидан тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

Мушоҳада

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЗАРУРАТИ ВА МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиатдан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларни ҳал этиш, уларнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, бу борада туб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бинобарин, умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги тахрирдаги Конституциямизда фуқароларнинг қулай экологик муҳитда яшаш, табиий ресурсларга, улардан оқилона фойдаланишга бўлган ҳуқуқи мустаҳкамланди. Шунингдек, сўнги беш йилда соҳага оид 20 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Экологиянинг ҳар бир йўналиши бўйича давлат дастурлари, стратегиялар ишлаб чиқилди.

Албатта, буларнинг барчаси мамлакатда экологик барқарорликни таъминлашда муҳим дастуриямал бўлмоқда. Шу билан бирга, жамоатчилик томонидан кенг муҳофаза қилинган "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳасида ҳам шу йўналиш доирасида бир қатор мақсадлар назарда тутилган.

Дарҳақиқат, иқлим ўзгариши, сув ресурслари тақчиллиги, чўлланиш, биологик хилмахилликнинг қисқариши каби экологик муаммолар кучаяётгани тараққиётга жиддий хавф солмоқда. Шу боис атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатдан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларни ҳал этиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифага айланди.

Шу ўринда сўнги йилларда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича эришилган натижаларга доир айрим рақамларга тўхталиб ўтсак. Ҳозирги кунда Оролбўйи ҳудудида махсус резолюцияда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан тасдиқланган "Йўл харитаси"га мувофиқ, 71 банддан иборат чора-тадбирлар, 65 та устувор инновация лойиҳа амалга оширилмоқда. Шунингдек, Юртбошимиз ташаббуси билан Орол денгизи фожияси оқибатларини юмшатиш, унинг қуриган тубида ўрмонлаштириш ишларини амалга ошириш, ҳудуд аҳолиси фаровонлигини юксалтириш бўйича улкан ишлар рўйбга чиқарилмоқда.

Биргина мисол, сўнги беш йил давомида Оролнинг қуриган тубида қарийб 2 млн. гектар майдонга саксовул, черкес, шўрга ва қурғоқчиликка чидамли ўсимлик уруғлари себилди, кўчатлари экилди. Ушбу ҳудудларда чўл ўсимликларидан "яшил қопламалар" барпо этиш ишлари жadal олиб бориляпти. Бу, ўз навбатида, ҳавога кўтарилаётган қуқ, туз ва чанг зарраларининг салбий таъсирини камайитириш, глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳоли ҳаёти ва фаолиятига салбий таъсирини янада юмшатиш имконини беради.

Минтақадаги яна бир экологик муаммо — сув ресурслари тақчиллигининг олдини олиш борасида ҳам аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Биргина мисол, сўнги беш йил давомида қуриқчилик ҳақидаги муаммоларни ҳал этиш бўйича давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан тасдиқланган "Йўл харитаси"га мувофиқ, 71 банддан иборат чора-тадбирлар, 65 та устувор инновация лойиҳа амалга оширилмоқда. Шунингдек, Юртбошимиз ташаббуси билан Орол денгизи фожияси оқибатларини юмшатиш, унинг қуриган тубида ўрмонлаштириш ишларини амалга ошириш, ҳудуд аҳолиси фаровонлигини юксалтириш бўйича улкан ишлар рўйбга чиқарилмоқда.

Биргина мисол, сўнги беш йил давомида Оролнинг қуриган тубида қарийб 2 млн. гектар майдонга саксовул, черкес, шўрга ва қурғоқчиликка чидамли ўсимлик уруғлари себилди, кўчатлари экилди. Ушбу ҳудудларда чўл ўсимликларидан "яшил қопламалар" барпо этиш ишлари жadal олиб бориляпти. Бу, ўз навбатида, ҳавога кўтарилаётган қуқ, туз ва чанг зарраларининг салбий таъсирини камайитириш, глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳоли ҳаёти ва фаолиятига салбий таъсирини янада юмшатиш имконини беради.

чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Биргина 2023 йилда 413,1 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилинди. Шунингдек, мамлакатимиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилиши натижасида сўнги олти йилда соҳага Давлат бюджетидан 14 трлн. 500 млрд. сўм ажратилган, 31 минг километр ичимлик суви ва оқова тармоқлари ўтказилган, 1200 та сув иншоотида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, 6,5 млн. аҳоли яшайдиган хонадонларга илк бор тоза ичимлик суви кирди борган.

Экологик муаммоларнинг ечимларидан бири ҳисобланган "яшил" иқтисодиётга ўтиш бўйича мамлакатимизда музчи қадамлар ташланди. Яъни "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди, 2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегияси тасдиқланди.

2023 йил 27 декабрь куни давлатимиз раҳбари хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда умумий қуввати 2400 мегаватт бўлган олтига йирик қуёш ҳамда шамол станциясини тармоққа улаш ишларига дастур берилиши бўйича давлат сиёсати лойиҳаси тасдиқланди.

2023 йил 27 декабрь куни давлатимиз раҳбари хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда умумий қуввати 2400 мегаватт бўлган олтига йирик қуёш ҳамда шамол станциясини тармоққа улаш ишларига дастур берилиши бўйича давлат сиёсати лойиҳаси тасдиқланди.

Умуман, соҳада экологик инновацияларни жорий этиш, экологик тоза, энергия самарадор ва ресурстежамкор лойиҳаларни рўйбга чиқариш нафақат юртимиз, балки глобал тусдаги экологик муаммоларни бартараф этиш, экологик хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ва унга мослашиш имконини беради.

Хозирги вақтда мамлакатимизда кенг қўламада амалга оширилаётган "Яшил макон" умумийлиқ лойиҳаси доирасида кейинги беш йилда 1 млрд. дарахт ва бута кўчатлари экилди. Бу шаҳар ва қишлоқларимизда янги яшил ҳудудлар пайдо бўлиши билан бирга, юртимиз иқлимини мўътадил сақлаш, она табиатни асраш, аҳоли саломатлигини яхшилашга хизмат қилади.

Қолаверса, мамлакатимизда аҳоли пунктларининг санитария ҳолатини яхшилашда бозор механизмга асосланган мулқлақ янги тизим жорий этилгани боис санитар тозалаш хизмати билан қамраб олиш кўрсаткичи 95 фоизга, чикиндиларни қайта ишлаш эса қарийб 40 фоизга етказилди.

Яна бир муҳим жиҳат. Шу кунларда юртимизда илк бор ўтказилаётган БМТнинг Ёввойи хайвонларнинг қўчиб юрвучи турларини сақлаб қолишга доир конвенцияси томонлар конференциясининг 14-йилгилида бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинаётгани эътиборга молик. Мазкур ҳужжатларнинг амалиётга татбиқ этилиши биологик хилмахилликни сақлаш бўйича халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва унинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман, соҳада экологик инновацияларни жорий этиш, экологик тоза, энергия самарадор ва ресурстежамкор лойиҳаларни рўйбга чиқариш нафақат юртимиз, балки глобал тусдаги экологик муаммоларни бартараф этиш, экологик хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ва унга мослашиш имконини беради.

Хайрулло ҒАФФОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Экологик партия фракцияси раҳбари.

«ҚАДР АЁЛДАН БОШЛАНСА, ҚАДРИМИЗ ЯНАДА БАЛАНД БЎЛАДИ!»

Президентимизнинг ушбу сўзлари руҳимни кўтариб юборди

Айниқса, кейинги пайтларда ҳаётимизда қандай ўзгаришлар бўлаётгани ҳақида сўраганимда тўлқинланиб кетдим. Негаки, жамоамиздаги хотин-қизлар орасида бир пайтлар хорижда меҳнат қилганлар бор. Улар ўз вақтида туманимизда иш ўрни бўлмагани боис республикамиздан ташқарида меҳнат қилишга мажбур бўлган. Шукри, бугун Ватанимизга қайтишди, чунки юртимизда, ўзлари яшаб турган уйдан узоқ бўлмаган ҳудудда ишлаб чиқариш корхоналари фаолият бошлади, иш ўринлари очилди. Жумладан, Андижонда аёллар бандлиги учун жуда мос бўлган текстил тармоғи замонвий андозалар даражасида ривожланиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунда биргина бизнинг жамоада ишчилар сони 3 минг 500 нафарни ташкил этади.



Исмилгул ЙЎЛДОШЕВА, «Асака текстиль» кластер тўқимачилик корхонаси тикувчиси.

Давлатимиз раҳбарининг "Қадр аёлдан бошланса, қадримиз янада баланд бўлади!" деган сўзлари руҳимни кўтариб юборди. Мен ўз ҳаётимда бу гапнинг мағзини чуқуб, шукроналар келтирмоқдаман. Чунки рўзгорим бут, оиламда хотиржамлик, фарзандларим, яқинларим ёнимда. Эртанги кунимизда кўнглим тўқ. Иш жойимда кенг имкониятлар муҳайё, эътибор ва эъзоздан шодланиб бугун кекагидан ортиқроқ меҳнат қилишга интиляяман. Бир аёлга бундан зиёд бахт борми?!

Мамлакатимизда биз, аёлларнинг қадримиз ошгани қаддимизни тикилади. Оруларимиз рўёби учун курашишга куч берди. Ғайрат-шижоатимизни оширди. Давлатимиз раҳбари билан мулоқотимиз эса қалбимизга олов ёкди. Энди улкан режалар тузиб, янги-янги марралар сари олға қадам босамиз. Чунки бизни қўллаб турган бунёдкор халқимиз, меҳрибон Президентимиз бор.

Исмилгул ЙЎЛДОШЕВА, «Асака текстиль» кластер тўқимачилик корхонаси тикувчиси.

ВАҚТИНГИЗНИ «ЎҒИРЛАТМАНГ»

Бугун мобил телефонлардан фойдаланиш кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Бу қувонarli ҳолат, албатта. Чунки унинг яратилиши техник тараққиётнинг ҳақиқий инқилобидир. Барчанинг сеvimли техникасига айланган смартфон деярли ҳар икки кишининг бирида бор.

Фикр

Кейинги пайтларда смартфонлар ёшларнинг онгу шуурини, эътиборини оҳанрабодек ўзига тортиб бормоқда. Ваҳоланки, унинг фойда-зарарини каттаю кичик яхши билади. Лекин шунга қарамай қўчликда бу менга тааллуқли эмас, мен барча ахборотни телефон орқали оламан, деган қарашлар устунлик қилади.

Бироқ телефон ва ундаги тасвирлар ақлни рон этиб, ўзига муте қиладиган вирус эканлигини негандир ҳали-ҳамон тушуниб етмаляпти. Ёшларни қўя туринг, ҳатто айрим ота-оналар ҳам телефонга муккасидан кетгани, фарзандига китоб ўқитиш ўрнига, тинч ўтирсин, деб унга ўша матоҳни қўшқўллаб топшираётгани кишини ўйлантиради, мушоҳадага чорлайди.

Мутахассислар ҳам интернет орқали тарқатиладиган компьютер ўйинларининг 49 фоизи сезиларли даражада зўравонлик ва ёвузлик кўринишига эга эканлиги ҳақида ҳўп ва кўп гапирмоқда. Уларнинг айтишича, болаларнинг телефондан кўп фойдаланиши қўшимча касалликлар олиб келиши мумкин.

дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар барчамиздан ёшлар тарбиясига янада хушёр ва эътиборли бўлишни талаб этади. Чунки глобаллашув даврида ёшлар онгу шуурини интернет орқали кириб келаётган зарарли гоё ва таъсиридан самарали ва ишончли ҳимоялаш тобора долзарб масалага айланмоқда.

Бу, ўз навбатида, ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, ота-оналардан янада хушёр ва огоҳ бўлишни, ёш авлоднинг гоёвий-мафқуравий иммунитетини мустақамлаш борасидаги ишлар қўламинини янада кенгайтириш лозимлигини кўрсатади. Шу боис юртимизда мактаб ўқувчиларининг мобил телефонидан фойдаланишига чекловлар ўрнатиш борасида амалий қадамлар қўйилган. Масалан, уяли телефонини ишлатиш ақлий қобилиятни пасайтириб, асабийлашишга олиб келиши, ўқувчини ва унинг атрофидогиларни машғулотлардан чалғитиши ҳақида ОАВда турли чилқалар ташкил қилинмоқда. Болаларни кўпроқ китоб ўқишга ўргатишга қаратилган тарбиявий аҳамиятга эга видеороликлар тайёрланиб ноймоий этилаётди.

Ушбу масалага катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки кўл телефонлари ва интернет тармоғида ахлоққа зид тасвирлар шу даражада кўпайиб кетганки, бу ҳол ёшларнинг одоб-ахлоқи ва маъна-

виятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳўш, ушбу муаммога ким айбдор? Албатта, барчамиз айбдоримиз. Сабаби бугун биз ёшларнинг қизиқишлари, хоҳиш-истаклари, орзу-мақсадлари билан қизиқмай қўйдик.

Ҳар бир ота-она боласи билан кўпроқ суҳбатлашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб берса, нима тўғри-у, нима нотўғри эканлигини тушунирсиз болаларнинг қалбидоғи бўшлиқни телефон забт эта олмайди. Шундай экан, ҳаёт ташвишларидан бироз чекиниб, фарзандингиз тарбияси учун вақт ажратинг. Мазриватпарвар бобомиз Абдулла Авлоний айтганидек, "Агар бир киши ёшлигидан нафси бузилиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдики, бундай кишидан яхшилик кутмак, ердан туриб юлдузларга қўл узатмак кабидир".

Мухтасар айтганда, смартфонлар, аввало, инсонга берилган энг қимматли нарсас — вақтни "ўғирламоқда". Демак, фарзандимизнинг истиқбол, келажаги порлоқ бўлишини истар эканмиз, улар тарбиясига эътибор билан қарайлик. Зотан, бу уларнинг қимматли шайх сифатида шаклланишига, жамиятда ўз ўрнини топишига хизмат қилади.



ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ «ЎСИШ НУҚТАЛАРИ»

Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқади

Тараққиётга кўз тиккан ҳар қайси мамлакат рақобатбардош иқтисодиётга эга бўлишни истайди. Ривожланишнинг энг мақбул модели ҳам шу. Аммо бунга эришиш осон эмас. Аввало, соҳани модернизация қилиш баробарида, жамият ҳаётининг барча жабҳасини либераллаштириш зарур.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида бу борадаги устувор мақсадларга кенг ўрин ажратилган. Муҳими, ислохотлар марказида инсон омили турбиди.

Шу тамойил асосида давлатимиз макроиқтисодий барқарорлиқни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, яъни ички маҳсулотда sanoat улушини оширишга қаратилган янгиланишларда собитқадам.

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, унинг жозибадорлигини ошириш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш чоралари кўриляпти. Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини кўпайтириш мақсад қилинган. Худудларнинг инфратузилма тизими ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ҳам стратегик вазифаларимиз сирасидан.

Хўш, бу соҳадаги изчил саъй-ҳаракатлар ўтган йилда амалий самаралар берди? Қайд этинган макроиқтисодий кўрсаткичлар ўсиш динамикаси ва ривожланиш тенденцияларига қанчалик мос?

янги филиал ва факультетлари, юрти- мизда тўлов-шартнома асосида қўшимча қабул ўринлари очилди му- ваффақиятлар пойдевори бўлди.

Ўз навбатида, 2023 йил давомида мамлакатимизга туристик мақсадлар- да келган чет эл фуқаролари сони 6 626,3 минг кишини ташкил этиб, 2022 йилдагига нисбатан 26,6 фоизга ошгани қувонарли кўрсаткич.

Бундан ташқари, онлайн туризм оммалашмоқда. Каршеринг, валет-пар- кинг, кейтеринг, агротуризм, ётоқхо- налар ва оилавий меҳмон уйлари, халқ таъботи, уй ҳайвонлари учун меҳмон- хоналар (сниттинг) каби янги хизмат турлари жадал ривожланипти.

Албатта, буларнинг барчаси янги иш- ўринлари яратиш, тадбиркорлик ра- вақи ва аҳоли турмуш даражасини яна- да яхшилаш йўлидаги дадил қадам- лардир.

ли мактабгача таълим муассасалари фойдаланишга топширилди. Қарийб 2,8 минг ётоқ ўрнига эга шифохона- лар, 5 мингдан ортиқ қатновга мўлжал- ланган поликлиникалар ишга тушири- либ, аҳоли саломатлигига хизмат қила бошладди.

Эътиборлиси, бу соҳадаги ишлар келгусида ҳам изчил давом эттирилади. Янги-янги объектлар ва қувватлар барпо этилиб, иқтисодий-ижтимоий барқарорлик учун бугунгидан-да мус- таҳкам замин яратилади.

Ташқи бозордаги ўрнини қандай?

Ўзбекистон яқин истиқболда дунё- нинг ривожланган мамлакатлари са- фига қўшилиши мақсад қилган. Бу- нинг учун бизга янги-янги экспорт бо- зорлари керак. Шу босис мамлақати- мизда сўнгги йилларда маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб- қувватлаш ва рақобатбардош маҳсу- лотлар ишлаб чиқарилишини рағбат- лантириш, импортни оптималлашти- риш ва умуман, ташқи савдо мувозан- натини таъминлаш мақсадида имтиёз ва афзалликларнинг комплекс тизи- ми яратилди. Пировардида ҳақон бо- зорларидидаги конъюнктуранинг сези- ларли ўзгаришларига қарамай, охи- рги беш йил ичида ташқи савдо ай- ланмаси 1,5 баробар ўсди.

Товарларни экспортга етказиб бе- ришда расмийлаштириш тартиблари сезиларли даражада соддалашти- рилди ва арзонлаштирилди. Сертифи- катлаш, санитария-эпидемиология на- зорати ва божхона расмийлаштири- вунинг бошқа тартиблари бир вақтнинг ўзида амалга оширилган «бир дарча» тамойили бўйича экспорт битимларини рўйхатга олиш меха- низмлари жорий этилмоқда.

Экспорт қилувчи корхоналар, би- ринчи навбатда, кичик бизнес субъектларига маҳсулотларни стан- дартлаштириш ва сертифицилашти- риш, уларни ташқи бозорларга олиб чиқишга қўмақлаштириш бўйича иқтисос- лаштирилган тузилмалар ташкил этил- ди. Бундай ўзгариш ва янгиланишлар туфайли 2023 йилда республиканинг ташқи савдо айланмаси 62,6 млрд. долларага етди ва 2022 йилдагига нис- батан 23,9 фоиз ошиши таъминлан- ди. Экспорт ҳажми 24,4 млрд. дол- лар ва импорт ҳажми 38,2 млрд. дол- ларга етди.

Хозир мамлакатимиз жаҳоннинг 198 давлати билан савдо алоқалари- ни амалга ошириб келмоқда. Ташқи сав- до айланмасининг салмоқли ҳиссаси Хитой (21,9 фоиз), Россия (15,8 фоиз), Қозоғистон (7,0 фоиз), Туркия (5,0 фоиз) ва Корея Республикасига (3,7 фоиз) тўғри келди.

Сўнгги беш йил ичида бу борадаги кўрсаткичлар Туркменистон билан — 2, Тожикистон билан — 1,6, Қозоғис- тон билан — 1,3 ва Киргизистон би- лан 1,2 баробардан зиёдга ошди.

Ўтган йилги товарлар ва хизматлар экспорти бўйича асосий ҳамкорлари- миз Россия (13,5 фоиз), Хитой (10,1 фоиз), Қозоғистон (5,6 фоиз), Туркия (5,1 фоиз), Афғонистон (3,5 фоиз) ва Киргиз Республикасига (2,6 фоиз) каби давлатлар бўлди.

Экспорт таркибида товарлар улу- шини 78,8 фоизни ташкил этди. Улар- нинг асосий қисми sanoat товарлари (16,6 фоиз), озиқ-овқат маҳсулотла- ри ва тирек ҳайвонлар (7,3 фоиз), кимёвий воситалар ҳамда шунга ўхшаш шўблар (5,4 фоиз), машина- лар ва транспорт асбоб-ускуналари (5,3 фоиз) ҳиссасига тўғри келмоқда.

Экспорт улушида тўқимачилик тар- моғи етакчилик қилди — 12,5 фоиз. 2023 йил якуни бўйича 3,1 млрд. дол- ларлик шундай товарлар четга сотилди.

Хукумат томонидан қишлоқ хўжа- лиги ва боғдорчиликни ривожланти- ришга ҳам катта эътибор қаратилмоқ- да. Шу аснода озиқ-овқат маҳсулотла- рининг асосий қисми бўлган 1,2 млрд. долл. қийматидаги ёки 1,8 млн. тон- на мева-сабзавот экспорти амалга оширилди. Ушбу кўрсаткич 2022 йил- дагига нисбатан 3,3 фоиз юқори.

Импорт қилинган товарлар ҳажми 7,4 млрд. долларага кўпайди. Хизмат- лар импорти эса 1,6 фоиз камайди. Четдан харид қилинган товарлар тар- кибида энг катта улуш машина ва ас- боб-ускуналар (39,2 фоиз) ҳисобига тўғри келди. Бу юртимизда инвести- ция муҳити яхшиланиб, ишлаб чиқари- шни модернизация қилиш кўлами ошаётгани билан боғлиқ.

Шунга қарамай, иқтисодиётдаги бу каби ўсиш суръатлари биз кўзлаган марралар учун етарли эмас. Чўнки юр- тимизнинг имконият ва салоҳияти юқори. Янги натижалар учун мус- таҳкам пойдевор бор. Бўегига изланиш ва ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракатлар зарур. Шундагина Ўзбекистон жаҳон- нинг илгор мамлакатлари қаторига қўшила олади. Давлат раҳбари ва халқимизнинг соҳа мутасаддилари, тадбиркор ва ишбилармонлардан ку- таётгани ҳам шу аслида.

НОДИРА АБДУСАЛОМОВА,
ТДИУнинг Бухгалтерия ҳисоби кафедраси мудири, и.ф.д., профессор.

Тахлил ва таққос

ЯИМда қайси тармоқлар улуши юқори?

Дастлабки баҳолашларга кўра, 2023 йилда Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми жорий нарх- ларда 1 квадриллион 66,6 триллион бўйича ташкил этди ва бу 2022 йилда- гига нисбатан 6,0 фоизлик ўсиш, де- гани. ЯИМ таркибида аввалиги йилда- гига нисбатан қишлоқ, ўрмон ва ба- ликчилик хўжаликлари тармоғида — 4,1, sanoatда — 6,0, қурилиш соҳаси- да — 6,4, савдо, яшаш ва оқватланиш бўйича хизматларда — 10,2, ташиш, сақлаш, ахборот ва алоқа хизматла- рида — 12,3 ҳафта бошқа хизмат тар- моқларида 4,5 фоиз ўсиш кузатилди.

Иқтисодиёт таркибида қишлоқ, ўрмон ва баллиқчилик хўжаликлари улу- ши — 24,3, sanoat — 26,1, қурилиш — 6,2 ҳафта хизматлар соҳаси улуши 43,4 фоизни ташкил этди.

Бинобарин, хизматлар соҳасининг ЯИМ ўсишида ҳиссаси — 2,6, sanoat тармоғи улуши — 1,5, қишлоқ, ўрмон ва баллиқчилик хўжаликлари ҳиссаси — 1,0, қурилиш сектори улуши 0,4 фоиз- га тенг бўлди.

Саноатда салмоқли натижаларга эришилди

Саноат — иқтисодиётнинг драйве- ри. Шу босис юртимизда бу соҳани рив- ожлантириш учун катта куч ва имко- ниётлар сафарбар этиляпти. Ялпи ички маҳсулотда sanoat улушини ошириш масаласи доимий эътиборда. Ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқларини трансформация қилиш жараёнини да- вом эттирилмоқда. Натижада белги- ланган марраларга қадам-бақадам яқинлашяпти.

Масалан, дастлабки ҳисоб-китоблар 2023 йилда республикамизда фао- лият юритаётган 69,4 мингдан зиёд sanoat корхоналари томонидан 655,8 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг те- гишли даражасига нисбатан физик ҳажм индекси 6 фоизга ошганини тас- диқлайди. Бу борада энг юқори улуш (84,4 фоиз) қайта ишлаш sanoati ҳис- сасига тўғри келди.

Шунингдек, жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажмида тоғ-кон ва очик конларни ишлаш sanoati улуши — 8,4, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш sanoati — 6,7, сув билан таъминлаш, канализа- ция тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш тармоқлари ҳисса- си 0,5 фоизни ташкил этди.

Тахлилларга кўра, ўсиш суръатла- рининг асосий омилли қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 6,7 ҳафта электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тармоқларида 9,7 фоиз ошгани билан боғлиқ.

Шу билан бирга, озиқ-овқат товар- лари ишлаб чиқариш ҳажми 2022 йил- дагига нисбатан — 6,2, тўқимачилик маҳсулотлари ҳажми эса 6,4 фоиз кўпайди. Бундай ижобий натижаларга эришишда 2023 йилда 14,1 мингдан ортиқ янги ташкил этилган sanoat кор- хоналарининг ўрни алоҳида бўлди.

Бинобарин, 2023 йилда ўзлаштирил- ган жами инвестицияларнинг қарийб ярми, яъни 53,3 фоиз айнан sanoat соҳасини ривожлантириш ва модернизация қилишга йўналтирилган респу- бликамизда импорт ўринини босувчи ва экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқари- ши ҳамда қўшимча иш ўринларини яратишга хизмат қилмоқда.

МЧЖ томонидан эса мисдан қувурлар ва трубкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Яна бир муҳим тахлил: мамлакат ялпи ички маҳсулотининг доимий ўсиши рақобатбардош тайёр товарлар ишлаб чиқариш, замонавий хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш ҳисобига таъминланмоқда. Бу эса юртимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришда асосий омил бўлаётди.

Мисол учун, 2023 йилда республи- ка экспорт ҳажми 24,4 млрд. доллар- ни ташкил этди. Яъни 2022 йилдагига нисбатан 23,8 фоиз ўсиш қайд этил- ди. Бунда тўқимачилик маҳсулотлари ҳажми 3,0 млрд., озиқ-овқат товарла- ри микдори 1,8 млрд., машина ва транспорт асбоб-ускуналари ҳажми 1,3 млрд. долларга тенг бўлди. Ташқи бозорга чиқарилган машина ва транс- порт асбоб-ускуналарининг асосий, яъни 0,5 млрд. долларлик қисми авто- мобиллар экспортга тўғри келди.

Қисқача айтганда, бугун ишлаб чиқариш иқтисодий интеграция жараёни- ларини ўзаро мувофиқлаштириш ва соҳа тармоқлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашга ёрдам бермоқда.

Аграр соҳада қандай стратегиямиз бор?

Давлатимиз раҳбари фақат бугунги эмас, балки эртанги кунни ҳам ўйлаб, узоқни кўзлаган ҳолда ислохотларни янги босқичга кўтариш вазифасини қўймоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини рив- ожлантиришнинг 2020 — 2030 йил- ларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинган. Унга мувофиқ, мазкур соҳа иқтисодиётининг асосий «ўсиш нуқта- си» бўлиши кутилляпти. Бу орқали ми- нинглаб иш жойлари яратилиши да- мларнинг даромади янада ошишига за- мин ҳозирляпти. Ана шу йўналишдаги чуқур таркибий ўзгаришлар ўз амалий самараларини бера бошлаган.

Масалан, давлат томонидан аграр соҳани қўллаб-қувватлаш, иқтисодий маънафаддорлигини кенгайтириш бўйи- ча амалга оширилган тизимли чора- тадбирлар натижасида 2023 йил яку- ни бўйича қишлоқ, ўрмон ва баллиқчи- лик хўжалиқларининг умумий ҳажми 426,3 трлн. сўмни ташкил этиб, 2022 йилдагига нисбатан 4,1 фоизга ошди.

Фермер, деҳқон ва томорқа хўжа- ликлари янада қулай шароитлар яратишда, экин майдонларидан фойда- ланиш самарадорлигини ошириш, ер эгаларининг экспортбop маҳсулот етиштириш бўйича билимини мус- таҳкамлаш, қонуний ҳуқуқ ва маънафад- ларини ҳимоя қилишга алоҳида эъти- бор қаратилляпти. Шу туфайли қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари умумий ҳажми- нинг 63,1 фоизи деҳқон ва томорқа хўжаликлари ҳамда 29,8 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Кластер тизимининг жорий этили- ши соҳада давлат аралашувини кес- кин камайитириш, режа ортидан қувиш ва мажбурий меҳнат каби ҳолатларга бутунлай чек қўйишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди.

Республикада бошқоқ дон экинла- ридан юқори ҳосил етиштиришни рағ- батлантириш тизими жорий этилгани ҳам муваффақиятлар учун асос бўлмоқда. Жумладан, 2023 йилда рес- публика бўйича жами 8,4 млн. тонна (105,5 фоиз) дон ва дуккакли дон экин- лари етиштирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 23 ноябрдаги тегишли қарорига асо- сан, «темир дафтар», «аёллар дафтра- ри», «ёшлар дафтра»га киритилган фуқароларга деҳқончилик билан шу- гулланишлари учун 0,1 гектардан 1 ге- ктаргача ер майдонлари ажратиб бе- ририлиши ҳам амалда ўзини олади.

Қайд этиш лозимки, аксарият тур- даги ноз-неъматлар деҳқон ва то- морқа хўжаликлари томонидан етиштирилмоқда. Жумладан, ўтган йилги умумий картошка ҳосилининг — 69,9, сабзавотларнинг — 59,9, мева- ларнинг 51,4 фоиз улар ҳиссасига тўғри келди. Дон ва дуккакли дон экин- ларининг 78,3 фоизи фермер хўжа- ликлари томонидан етиштирилди.

Чорвачилик ва баллиқчилик соҳала- рига ҳам давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатилмоқда. 2023 йилда рес- публика бўйича тирек вазнда жами ғўшт ишлаб чиқариш ҳажми 2,8 млн. тон- на (ўтган йилдагига нисбатан 103,9 фоиз), соғиб олинган сут 12,0 млн. тонна (102,9 фоиз), туҳум 8 487,5 млн. дон



(104,4 фоиз) ҳамда овланган балик 198,9 минг тонна (107,3 фоиз)ни таш- кил этди.

Келгусидаги вазифалар ҳам аниқ. Пахта ва галладан бўшаган майдон- ларда экспортбop, ички ва ташқи бо- зорда талаб юқори бўлган экинлар экиш, шунингдек, томорқа майдонла- ри самарасини оширишга қаратилган ишларни янада кучайтириш мақсад қилинган.

Хизмат сифати ривожланиш тенденцияларига мосми?

Ҳар бир соҳа ривожини боғловчи бир нуқта бор. Бу — хизмат кўрсатиш. Мамлакатимиз иқтисодиётида бу сек- тор улушини ошириш муҳим. Шу са- бабли хизматлар турларини кенгайти- риш ва сифатини яхшилаш билан бо- лик муаммоли масалалар тизимли ҳал этилмоқда. Бу борада тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг го-я ва ташаббуслари- ни рағбатлантириш чоралари кўриляпти. Президентимиз томонидан 2021 йил 11 майда имзоланган «Хизматлар со- ҳасини жадал ривожлантириш чора- тадбирлари тўғрисида»ги қарори шу мақсад рўёбига қаратилган.

Ушбу ҳужжат ижроси доирасида мо- лия секторига хорижий инвестициялар инвeстициялар ҳажми бўйича юқори ҳалб этиш, янги технологияларни жорий қилиш ва логистикани такомил- лаштириш орқали мамлакат транспорт секторини модернизациялаш, ТП соҳа- сини ривожлантириш қўллаб-қувват- лаш, солиқ имтиёзлари бериш ва стар- таплар учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, туризмни ривож- лантиришга катта маблағ йўналти- рилляпти. Бу эса мамлакатимизга таш- риф буюрувчи сайёҳларнинг сони тобора ортишига туртки бўляпти.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2023 йилнинг январь — декабрь ойла- рида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 470,3 трлн. сўмни ташкил этиб, 2022 йилдагига нисбатан 13,7 фоиз ўсди. Бунга молиявий хизматлар — 20,6, савдо хизматлари — 10,2, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари — 24,6, таълим соҳасидаги хизматлар 22,8 фоизга ўсиши ижобий таъсир кўрсатди.

Жумладан, молиявий хизматлар ҳажмининг ошишида банк тизими барқарорлигини таъминлаш бўйича ба- жарилган чора-тадбирлар, истиқбол- ли инвестиция лойиҳаларини кредит- лашнинг кенгайтириш, валюта сисъати- ни либераллаштириш ислохотлари ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Транспорт хизматлари ҳажми 108,5 трлн. сўмга етиб, 108,0 фоиз ўсиш қайд этилди. Бу, асосан, темир йўл транспортда кўрсатилган хизмат- лар, Россия ва Тожикистондан тран- зит, шунингдек, Тожикистон ва Афғонистонга йўналтирилган юк ташуш ҳамда Россия, Қозоғистон ва Киргизистондан импорт қилинадиган маҳсулотларни ташуш ҳажми ўсиши билан боғлиқ.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси- даги ижобий суръатларни эса интер- нетга кенг поласали уланиш, стацио- нар ва мобил алоқа операторлари, провайдерларга каналларни ижарга бериш, маҳаллий ва халқаро телефо- на, уяли алоқа, IP телефония, IPTV ҳамда видеоалоқа хизматлари ортиси билан изохлаш мумкин.

2023 йилнинг январь — декабрь ой- лари якунларига кўра, савдо хизмат- лари ҳажми 110,7 трлн. сўмга етиб, ўсиш суръати 110,2 фоизни ташкил этди. Бу натижалар автомобиль ва мо- тоцикллар улгуржи ҳамда чакана сав- доси, жумладан, уларни таъмирлаш хизматлари 29,4 фоизга ортиси ҳисо- бига таъминланди.

Таълим соҳасида хизматлар ўсиш суръати эса 122,8 фоизга етди. Хори- жий олий таълим муассасаларининг

Инвестиция эртаминзи қафолатлайди

Тараққиётга шиддат бағишлайдиган, янгиланишлар пилигини кўтаридиган бир муҳим восита бор. Бу — инвести- ция. Қулай ва жозибдор сармоявий муҳит яратиш шунинг учун ҳам аҳами- яти. Айна сабабдан юртимизда ин- вeстиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмлари амали- йдага татбиқ этиляпти. Натижалар кўйидаги тахлилларда аёқол намoён бўлади.

Мисол учун, 2023 йил январь — де- кабрь ойларида Ўзбекистон бўйича жами 352,1 трлн. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди. Бу — 2022 йилдагига нисбатан 122,1 фоиз ўсиш кўрсаткичи.

Тўғридан-тўғри хорижий сармоя ва кредитлар ҳисобидан Сирдарё, Сур- хондарё, Бухоро вилоятларида электр станциялари қурилиши, Қорақалпо- гистон Республикасида Тебинбулоқ те- мир руда кони ўзлаштирилиши ҳамда ишлаб чиқариш ва металлургия маж- муаси барпо этилиши, Тошкент вило- ятида «Ёшлик-1» қонида амалга оши- рилаётган лойиҳаларнинг мамлақати- миз иқтисодиётини янада ривож- лантиришдаги ҳиссаси катта.

Муҳими, бундай мисоллар жуда кўп. Хорижий инвестициялар журғофия- сига назар ташласак, ўтган йили жами ўзлаштирилган чет эл сармояларининг 25,6 фоизи ёки 48,1 трлн. сўми Хитой хўжалиқига тўғри келди. Россия бу бо- рада (13,4 фоиз) иккинчи, Туркия эса (6,4 фоиз) учинчи бўлди.

Юртимиз ҳудудлари миқёсда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми бўйича юқори учликни Тошкент шаҳри (67,9 трлн. сўм), Тошкент вилояти (44,4 трлн. сўм) ҳамда Бухоро вилояти (31,3 трлн. сўм) эгаллади.

Бундай юқори инвестициявий фаолият туфайли, жумладан, Тошкент шаҳрида кўп тармоқли клиника, жой- ларда йилга 21,4 минг тонна биаксил асосидаги полипропилен плёнка ишлаб чиқариш корхонаси, йиллик қуввати 2,5 млн. тоннага тенг цемент заводи, 10 минг тонна тола тайёрлаш- га мўлжалланган фабрика, 2 минг тон- на базальт толаси ишлаб чиқариш қу- ватига эга завод ва бошқалар ишга туширилди.

Янги Ўзбекистоннинг янги қиёфаси яратилмоқда

Обод манзиллар — юрт кўрки. Қола- верса, бунёдкорлик кўлами турмуш фаровонлигини белгиловчи муҳим ме- зон. Сўнгги 7-8 йил ичида шаҳару қиш- лоқларимизда барпо этилган бино ва иншоотлар янги Ўзбекистоннинг янги- ча қиёфасини яратди. Бу қурилиш со- ҳасидаги барқарор ривожланиш суръ- атлари самарасидир.

Хусусан, 2023 йилда мамлакатимиз бўйича бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 149,9 трлн. сўмни ташкил этиб, 2022 йилдагига нисбатан 6,4 фоиз қўпайгани эътиборга лойик.

Шу йил 1 январь ҳолатига кўра, қурилиш фаолиятини олиб борувчи корхона ва ташкилотлар сони 34 749 тага етди. Мазкур соҳа томонидан яратилган қўшилган қиймат мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига 6,2 фоизга тенг бўлди.

Ўтган йили Бухоро вилоятида газни ер остида сақлаш иншооти ҳажми 10 млрд. куб метргача ошириш бўйи- ча бажарилган ишлар, Сурхондарёда «Мустанқилнинг 25 йиллиги» қони негизда газ-кимё мажмуаси қурили- ши, республика ҳудудларида углево- дородни қаёб қилиришни кўпайтириш учун нефть ва газ қудуқларини қайта тиклаш ва бурғулаш бўйича лойиҳа- лар буларга яққол мисол.

Шу билан бирга, 2023 йил мамла- катимизда умумий майдони 14,1 млн. квадрат метрга тенг тураржойлар қури- либ, фойдаланишга топширилди. Жами 63 минг хонадонга мўлжалланган ушбу яшаш иморатларининг 64,6 фоизи қишлоқ жойларда бунёд этилгани олис ва чекка ҳудудларимизда ҳам аҳоли турмуш тарзи тобора яхшиланиб бо- раётганини ифодаляпти.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Бобур ва Ахсикент

Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди у камол топган Ахсикент билан чамбарчас боғ- лиқ. Ахсикентни тадқиқ этиш борасида олиб борилган узоқ йиллик илмий из- ланишлар чоғида Бобур, темирйилар сулоласи билан боғлиқ жуда кўп маъ- лумотлар аниқланган.

Наманган шаҳрида «Бобур ва Ахсикент» мавзуда ташкил этилган республика илмий- амалий анжуманида айни маълумотларнинг кўпчилиги, шунингдек, янги хулосалар ҳам тақдим этилди.

— Бобур Мирзо шахси ва унинг илмий- ижодий мероси, тадқиқий маълумотларнинг қиммати Наманган ҳудудидан мамлакатимиз ҳамда жаҳон миқёсига таралаётган илм зиё- ларига янада ёрқинлик бағишлаши, шўба- сис, — дейди Ахсикент археология мероси объектини муҳофазат қилиш ва тадқиқ этиш дирекцияси раҳбари Анвар Икромов.

БИЛИМИ ЮКСАК АВЛОД ЖАҲОНДА ЎЗ СЎЗИНИ АЙТАДИ

Хар бир мамлакат жаҳонда ўз ўрнига, ўз овозига эга бўлиши истар экан, аввало, таълим тизимини ривожлантиришни, баркамол авлодни улғайтиришни мақсад қилиб қўяди. Мазкур йўлда барча зарур шарт-шароитни яратди, тўсиқларни бартараф этади. Зотан, билими юксак, маънавияти етук авлод қудратли куч ўлароқ халқни ортидан эргаштира олади, жаҳонда ўз сўзини айтади, орзуларни рўйбга чиқаради.

Муносабат

Давлатимиз раҳбари томонидан кейинги йилларда мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, олий таълимни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, дунёнинг тараққий этган мамлакатларидаги етакчи олийгоҳлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларнинг илгор тажрибаларидан унумли фойдаланиш борасида муайян қадамлар ташланди.

Наманган давлат университети профессор-ўқитувчилари жамоаси ҳам бу жараёнда фаол иштирок этишга интилиб, жаҳоннинг олий таълим ташкилотлари фаолиятига оид турли рейтингларда тўбора юқори ўринларни эгаллаётди. Бунда олийгоҳимизнинг иқтидорли талаба-ёшлари, зуқко ва талабчан олимларимизнинг самарали илмий тадқиқот натижалари алоҳида ўрин тутмоқда.

Тараққиёт жадаллашган бугунги замонда ҳар бир соҳада янгиликлар яратиш, инновацияларга ургу бериш, ушбу йўлда замонавий билимларга эга етук мутахассисларни тарбиялаш гоят долзарб аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари раислигида шу йил 5 февраль кун илмий таълим соҳаларидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалардан яна бир бор англадикки, ҳали олдимизда ёш авлодни билимли ва иқтидорли қилиб камолга етказиш, таълим соҳасини тубдан ўзгартириш борасида кечиктириб бўлмас ишлар турибди.

Йиғилишда таъкидланганидек, тез орада профессионал ҳамда олий таълимда касбий кўникмаларни белгилаш ва уларни баҳолаш бўйича янги тизим жорий қилинади. Яъни талаб юқори бўлган 100 та касб танланиб, Германия, Швейцария ва Буюк Британия тажрибаси асосида касб стандартлари ишлаб чиқилади. Шунингдек, олийгоҳ, техникум ҳамда коллежларда технопарк, лаборатория ва амалий мономарказлар ташкил этилади. Янги ўқув йилидан бошлаб тех-

никумларда ўқитиш "академик" ва "ишчи касб" таълим компонентларининг узвийлигини таъминлайдиган янги тизим асосида йўлга қўйилади. Бунда коллеж-техникумнинг 1 ва 2-курсидagi таълим дастурлари, дарсликлари, билимни баҳолаш мезонлари ва муаллимларга талаблар олийгоҳлар билан бир хил бўлади. Техникумларда ҳам "кредит тизими" жорий қилиниб, фанни ўзлаштириш бўйича тўпланган "кредитлар" олийгоҳларда тан олинадиган тизим яратилади. Коллеж-техникумда икки йил давомида етарли "кредит" тўплаган ўқувчилар "2+2" дастурлари асосида олийгоҳларнинг иккинчи ёки учинчи курсларида таълимни давом эттириш имконига эга бўлади.

Кўриниб турибдики, Президентимиз томонидан белгиланган вазифалар ижроси соҳадаги ислохотларни янги юритаётган таълимни давом эттириш имконига эга бўлади. Бошқача айтганда, мамлакатимиз профессионал таълим тизими яқин вақтда жаҳон стандартлари даражасига кўтарилади. Бу эса соҳада фаолият юритаётган инсонлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Бугун дунёвий алоқаларни янада кенгайтириш, жаҳон рейтингларида муносиб иштирок этиш ва ўқув дастурларимизни халқаро аккредитациядан ўтказиш орқали талабаларимизга сифатли таълим бериш, илмга асосланган билимни ривожлантириш, рақобатбардор кадрлар тайёрлашни хаётийнинг ўзи талаб қилмоқда.

Мамнуният билан таъкидлаш жоиз, шу кунга қадар Наманган давлат университети 70 га яқин хорижий олий таълим муассасалари билан англашув меморандумларини имзолаган. Университетни халқаро даражага олиб чиқиш мақсадида дунёнинг "ТОП — 500" талигига кирувчи Туркиянинг Урта Шарқ техника университети, Италиянинг Саннио университети, Германиянинг Майнц университети билан ҳамкорлик ўрнатилди. Келгусида профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг халқаро алмашинув дастурларидаги ишти-



роки сони 5 баробар оширилади. Айни пайтда олийгоҳимиз "GREENMETRICS" (гринметрикс) халқаро рейтингда 790-ўринни эгаллаб турибди. "THE" ва "QS" халқаро рейтингларида ҳам ижобий натижаларни кутяпмиз. Яқин вақтда эса ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш ва илгор жаҳон тажрибаларини амалиётга кенг жорий қилиш мақсадида университетда ёшларнинг тил ўрганишлари учун замонавий Тил ўрганиш маркази барпо этилади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади. Шу сабабли, университетга ёш иқтидорларни саралаб олиш, замонавий билим ва тажрибалар, миллий қадриятлар асосида мустақил ҳамда мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган ёшларни тарбиялашда мактаб, техникум ва академик лицейлар билан яқин ҳамкорлик фаолиятимизда устувор аҳамият касб этади ҳамда бу йўналишдаги хайрли ишларни изчил давом эттираемиз.

Жорий йилда ҳам ушбу вазифаларни бажариш мобайнида ёш иқтидор ва истеъдод эгаларини астойдил қўллаб-қувватлаймиз. Ёшларни муносиб рағбатлантириш мақсадида академик лицей ва виллоятимиз мактаблари учун "Ректор кубоги", "Ректор олимпиадаси" каби тадбирлар ҳамда "Ректор стипендиаси" тавсис этилди.

Маълумки, шиддат билан ривожланаётган жаҳон таълими саҳнасида қулай таълимий муҳитни яратиш, шаффоқлик ва адолатни таъминлаш мақсадида инсон омиллини камайтиришнинг самарали йўли рақамлаштиришдир. Бу борада университетда "Очиқ илм-фан платформаси" ишга туширилади. Мазкур платформа 24 та контентни ўз ичига олиб, университетда ўқув-меъёрий, услубий ва илмий тадқиқот ҳамда ижро хужжатларини рақамли мониторинг қилиш имконини беради. Университет ташкилий тузилмаси-

ни замон талаблари асосида қайта шакллантириб бориш, амалдаги тузилмаларнинг иш фаолиятини шаклан ва мазмунан такомиллаштириш ҳамда шунга мос тарзда моддий-техника базасини бойитиш олдимизда турган муҳим мақсадлардан. Шу боис 7 қаватли "Инновацион факультет" ўқув биноси, илмий-амалий ўқув полигони мақсадида яратилаётган "Экобог" майдони, талабалар учун 2 та тураржой биносининг қурилиши бошланган бўлса, "Офис регистратор" рақамли хизматлар маркази, 5 та ўқув-илмий лаборатория, 2 та 200 ўринли замонавий маърузалар хонаси ва мавжуд бўлимлар учун шина хоналар қурилиши режалаштирилмоқда.

"Очиқ илм-фан платформаси" орқали барча бўлим, кафедра ва факультетларнинг илмий, ўқув, ўқув-услубий соҳаларга оид хужжатлари рақамлаштирилади ва уларнинг онлайн таҳлили юритилади. Шу билан бир-

стажировкалари ташкил этилади. Университетнинг ташқи ва ички қиёфасини тубдан ўзгартириш ишларига ҳам жиддий киришамиз. Жумладан, "Namangan City" да 7 қаватли, 2 минг ўринли "Инновацион факультет" ўқув биноси қурилади, "Собик Агропром" деб номланадиган ўқув биноси март ойида тўлиқ таъмирдан чиқарилади. Бу ўқув иншооти бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, тубдан ўзга қиёфа ва қулайликлар асосида таъмирланмоқда.

Шунингдек, юқорида айтганимиздек, 2 та 800 ўринли талабалар тураржойини босқичма-босқич фойдаланишга топшираемиз. Университет ташқи қиёфасини янада кўркамлаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги, биология соҳаларидаги таълим йўналишлари учун ўқув лаборатория ва амалиёт полигонларини ташкил этиш мақсадида турли минтақаларда ўсувчи даррах ва бутасимон ўсимликларни ўзида жамлаган "Экобог" ва хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда Биотехнология илмий-ўқув лаборатория кампусини барпо этишимиз. Бу жойда нафақат биотехнология, балки унга турдош бўлган соҳалар лаборатория хоналари ҳам мавжуд бўлади.

"Офис регистратор" маркази ҳамкасбларимиз, талабалар ва уларнинг ота-оналари ҳамда ҳамкор ташкилотларимиз учун таълим хизматларини кўрсата бошлайди. Бу марказда университет фаолиятига оид барча хужжат рақамлашган ҳолда йиғилади, улар асосида маълумотлар, статистик таҳлиллари, ўқув жараёнини (даволат, дарсларнинг онлайн таҳлили каби) назорат қилиш ва унга тахассислар қўйиб бориш каби қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилади. Марказ фаолияти самарадорлигини ва сифатини ошириш ҳамда университетда рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш мақсадида ҳар бир факультетда ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари лавозимини ҳисобидан Рақамлаштириш ва халқаро алоқаларни ривожлантириш ишлари бўйича декан ўринбосари лавозимини жорий қиламиз.

Олийгоҳда ҳисобдорлик, ижро назорати ва интизомига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. "Барча тенг ва фидойилик билан ишлаш шарт" деган тамойил йўлга қўйилгани туфайли университет кенгашини ўтказиш бўйича ўзгартирилмоқда. Унга нафақат аъзолар, балки университетнинг раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилари ҳам тақлиф этилади. Барча раҳбар ва ходимнинг тегишли масалалар бўйича амалга оширган ишлари, олийгоҳ ривожини учун қўшган ҳиссаси эшитилади ва уларга баҳо берамиз. Ҳар бир кенгашда камидан 2 та факультет мисолида олдимизга қўйган мақсадларга қандай эришяётганимиз ҳолис ва танқидий кўриб чиқилади.

Ишонимизки, амалга оширилаётган чора-тадбирлар олийгоҳда ўқув-тарбия ишларини янги поғонага олиб чиқади. Президентимиз томонидан олиб борилаётган янги Ўзбекистон бунёд этиш, мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ишларига камарбаста бўладиган салоҳиятли кадрлар сафини кенгайтиришга хизмат қилади.

Собитхон ТУРҒУНОВ,
Наманган давлат университети ректори,
педагогика фанлари доктори, профессор.

Тақдимот

«Ziyo Art» ўзбек тили маркази — янги бинода

Нью-Йорк шаҳридаги "Mahalla USA" ватандошлар жамоат уюшмаси томонидан Ўзбекистон Бош консулхонаси билан биргаликда жамият ҳузуридаги "Ziyo Art" ўзбек тили маркази янги биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2024 йил Ўзбекистонда "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилинган мамлакатимизда, қолаверса, хориждаги ватандош ёшларга бўлган эътиборнинг яна бир ифодаси бўлди. "Ziyo Art" ўқув маркази "Mahalla USA" ватандош жамоат уюшмаси ҳузурида 2020 йил сентябрь ойида ташкил этилган. Марказ фаолияти АҚШдаги ватандошларнинг фарзандларига ўзбек тили ва адабиётини ўргатиш, улар-



нинг тарбиясида миллий қадриятларнинг роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган.

Ўқув марказида 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар учун ўзбек тили ва адабиёти, одобиёти, компьютер саводхонлиги дарслари, тасвирий санъат, математика фанларидан дарслар, шунингдек, шахмат, самбо ва кураш каби спорт тўғрисидаги йўлга қўйилган.

Машгулотлар шанба ва якшанба кунлари танлов асосида қабул қилинган малакали ўқитувчилар томонидан, Ўзбекистондан олиб келинган ўқув адабиётларидан фойдаланган ҳолда олиб борилади.

Ўқув марказининг янги биноси 10 та хонадан иборат бўлиб, умумий майдони 500 квадрат метрни ташкил қилади. Ҳозирги кунда марказда ойига 120 — 150 нафар бола таҳсил олмақда.

Марказ янги биносининг очилиш маросимида сўзга чиққан "Mahalla USA" уюшмаси раҳбари Абдумалик Аҳмедов тадбир 9 февраль — буюк шоир, мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий таваллуд топган кунда очилаётганига эътибор қаратди.

"Марказнинг асосий мақсади ўсиб келаётган ёш авлодга, фарзандларимизга она юртга муҳаббат, ҳурмат ва садоқат туйғуларини шакллантириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, қадриятларимизни, миллий ўлигимизни сақлаб қолиш, уларга сифатли таълим-тарбия бериш ва кенг имкониятлар яратишдан иборат", деди у.

"Mahalla USA" етакчиси, шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати томонидан хорижда истиқомат қилаётган ватандошларга кўрсатилаётган эътиборни юқори баҳолади.

Очилиш маросимида Ўзбекистон Бош консулхонаси дипломатлари, конгрессменлар, Нью-Йорк шаҳри сенаторлари, маҳаллий ҳокимият вакиллари, фаол ватандошлар ва маҳаллий ОАВ ходимлари қатнашди.

«Дунё» АА.
Нью-Йорк

РЕКЛАМА

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимига танлов эълон қилади

1. Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси кафедраси	доцент, ассистент	12. Тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси	катта ўқитувчи
2. Технологик машиналар ва жиҳозлар кафедраси	доцент, катта ўқитувчи	13. Физика ва электротехника кафедраси	доцент, катта ўқитувчи, ассистент
3. Мухандислик графикаси ва механикаси кафедраси	доцент, ассистент, катта ўқитувчи	14. Математика ва информатика кафедраси	катта ўқитувчи, ассистент
4. Меҳнат муҳофазаси ва экология кафедраси	катта ўқитувчи	15. Кимё кафедраси	доцент, профессор, ассистент
5. Ижтимоий фанлар ва жисмоний маданият кафедраси	профессор, катта ўқитувчи, ассистент	16. Ипак технологияси кафедраси	доцент, катта ўқитувчи
6. Тўқимачилик матолари технологияси кафедраси	кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи	17. Тўқимачилик материалшунослиги кафедраси	доцент
7. Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш кафедраси	доцент, катта ўқитувчи	18. Костюм дизайни кафедраси	ассистент
8. Чарм буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси	профессор, доцент	19. АИСП	ассистент
9. Йиғириш технологияси кафедраси	профессор, доцент, катта ўқитувчи	20. Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси	катта ўқитувчи (ўзбек тили)
10. Корпоратив бошқарув кафедраси	профессор, доцент		
11. Кимёвий технология кафедраси	доцент		

Танловда қатнашишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ва иштироқлар рўйхати, малака оширишнинг тўғрисида хужжатлар нусхаларини топширади. Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Эслатма: мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедраларда ҳисобот беради, танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй, 1-бино, 208-хона. Телефон: 71-253-17-78.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 17 579 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоини келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзга берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 00.30 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6